

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОНКУЛОВ ШУХРАТ БУНЁДОВИЧ

ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЮЗ ЖАҒ СОХАСИ ЙИРИНГЛИ
ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК: 617.52+616.716.8-002.3-07- 08-053.2 - 036.8

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эшонкулов Шухрат Бунёдович

Эрта ёшдаги болаларда юз - жағ соҳаси

йирингли яллиғланиш касалликларини

даволаш самарадорлигини ошириш..... 3

Эшонкулов Шухрат Бунёдович

Повышение эффективности лечения

гнойно-воспалительных заболеваний

челюстно-лицевой области у детей раннего возраста..... 23

Eshonkulov Shuxrat Bunyodovich

Improving the effectiveness of treatment

of purulent-inflammatory diseases of the

maxillofacial region in infants..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОНКУЛОВ ШУХРАТ БУНЁДОВИЧ

ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЮЗ ЖАҒ СОХАСИ ЙИРИНГЛИ
ЯЛЛИГЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib3205 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Азимов Азиз Мухамаджонович**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шалабаева Клара Зулхарнаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Наварра давлат университети (Испания)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашининг «_____» _____ 2025 йил соат _____ даги йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99866) 233-30-34; e-mail: ilmiyprorektori@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



[Handwritten signature]

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

М.Т. Насретдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасидаги йирингли-яллиғланиш касалликларини аниқлаш ва даволаш муаммоси стоматология ҳамда юз-жағ жарроҳлиги учун энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...юз-жағ жарроҳлиги бўйича ихтисослашган шифохоналардаги беморларнинг умумий сонининг 40-50 фоизини юз-жағ соҳасидаги йирингли-яллиғланиш касалликлари билан оғриган эрта ёшдаги болалар ташкил этади...»¹. Бола организмнинг анатомик-физиологик хусусиятлари, ҳаётий тизимларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги бактериал тажовуз шароитида химоя ва мослашув реакцияларининг чекланган имкониятларини олдиндан белгилаб беради.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда стоматологлар томонидан стоматологик касалликларни даволаш ва олдини олиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган, туғилгандан балоғат ёшигача бўлган болаларни ёшига қараб диспансеризация қилиш тизими таклиф этилган, аммо тишларнинг кариоз шикастланишининг юқори тарқалиши ва интенсивлиги бола организмда одонтоген инфекция ўчоқларининг пайдо бўлишига олиб келади. Бироқ, тишларнинг кариес билан зарарланишининг кенг тарқалганлиги ва юқори даражаси бола организмда одонтоген инфекция ўчоқларининг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, болаларга кўрсатилаётган стоматологик ёрдам даражаси клиник мутахассисликдаги шифокорлар эътиборини тортмоқда.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш, юқори жағ нуқсонларини ташхислаш ва тиклаш усулларини такомиллаштириш бўйича мақсадли ва амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш, жумладан, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...»² вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2020-йил 7 апрелда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Инновацион фаолият тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва 2020 йил 19 июнда

¹ WHO. World health statistics, 2020

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сонли Фармони

Сенат томонидан маъқулланган, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасининг йирингли-яллиғланиш касалликлари кўплаб юқори даромадли мамлакатлар учун стоматологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу мамлакатларда оғиз бўшлиғи саломатлигини сақлашга жамоат соғлиқни сақлаш харажатларининг 5-10 % сарфланади (Власова Г.К. 2021). Шу билан бирга, кўплаб хавф омиллари ҳамда туғилишдан олдинги ва кейинги ривожланиш шароитларига боғлиқ ҳолда эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси ўткир яллиғланиш касалликларининг пайдо бўлиш частотаси ва кечиш хусусиятлари ҳали етарлича ўрганилмаган (А.О. Изюмов ва бошқ. 2015). Яллиғланиш жараёнлари кўпинча 1 ёшдан 8 ёшгача бўлган болаларда кузатилади. Юз-жағ соҳаси яллиғланиш жараёнларининг энг ёрқин клиник кўринишлари ва оғирлиги эрта ёшдаги болаларда юз ва бўйин тўқималарининг анатомио-физиологик хусусиятлари, хусусан асаб, иммун ва нейроэндокрин тизимларнинг етилмаганлиги билан боғлиқ (Чуйкин С.В., 2019). Узоқ вақт мавжуд бўлган неодонтоген инфекция ўчоқларининг соматик касалликлар ривожланиши билан боғлиқлигини исботлаган (Дрегалкина А.А. 2020).

Ўзбекистонда стоматологик ёрдамни ташкил этиш масалаларига олимлар қатта эътибор қаратмоқдалар. Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларининг ривожланиш хавфи юқори эканлигини таъкидлайдилар (Ризаев Ж.А., Асадуллаева Н.С. 2017). Айниқса, маҳаллий муаллифларнинг нашрларида стоматологик хизмат ҳолати баҳоланиб, уни яхшилаш йўллари кўрсатилган (Акилов Т.А. ва бошқ., 2005). Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида соматик касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш, хусусан, болалар учун соғлом муҳит яратиш, шунингдек, стоматологик касалликларни даволаш ва олдини олиш бўйича кенг қўламли амалий ишлар олиб борилмоқда (Хайдаров А.М., 2018).

Шундай қилиб, ҳозирги кунда юз-жағ соҳасининг йирингли-яллиғланиш касалликлари бўлган эрта ёшдаги болаларни қабул қилишда шифокор-жарроҳ стоматологнинг ҳаракатларида муаммолар мавжуд. Бу ҳаракатлар даволаш-ташхислаш муолажалари стандарти билан мустаҳкамланиши лозим, бу эса ўз навбатида диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг "Юз-жағ соҳаси жароҳатлари, нуқсонлари, деформациялари ва яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш" (2023-2026 й.) мавзуси доирасидаги 011900258-сонли илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларини даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси яллиғланиш инфилтратининг клиник ва ултрасонографик манзарасини баҳолаш;

эрта ёшдаги болаларда йирингли ярага ва патоген микрофлоранинг уруғланганлиги антибактериал фотодинамик даволашда таъсирини ўрганиш;

микробиологик таҳлилдан олдин ва кейин антибактериал фотодинамик даволашни қўллаш самарадорлигини қиёсий жиҳатдан асослаш;

эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси яллиғланиш касалликларини даволаш жараёнига маҳаллий фотодинамик терапияни киритган ҳолда комплекс даволаш режасини ишлаб чиқиш

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида 2019-2022 йиллар давомида стационар даволанган 105 нафар эрта ёшдаги болалар тадқиқот объекти бўлди. Ушбу болалар юз-жағ соҳасининг яллиғланиш касалликлари, жумладан аденофлегмона, неодонтогенабсцесс ва ўткир лимфааденит каби касалликлар билан оғриган эдилар

Тадқиқотнинг предмети бемор болаларнинг касаллик тарихи, беморларнинг қон таҳлиллари, ярадаги микробиологик суртма ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш учун клиник, лаборатор, микробиологик (жароҳатни микробиологик экиш), функционал (доплерографик ултрасонография текшируви), статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси яллиғланиш инфилтратида консерватив ёки хирургик даволаш тактикасини танлашда ултрасонографик доплерография ахамияти асослаб берилган;

эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасининг йирингли касалликларида антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш натижасида патоген флоранинг апоптози туфайли йирингли жароҳат микрофлорасининг ўсиш интенсивлигининг пасайиши аниқланган;

ўтказилган солиштирма микробиологик таҳлиллар хулосасига кўра, антибактериал фотодинамик терапиядан кейин, патоген флорани ўсиш баландлиги пасайганлиги сабабли фотодинамик терапия самарадорлиги исботланган;

эрта ёшдаги болаларда юз жағ соҳаси ўткир йирингли яллиғланиш жараёнларини фотодинамик терапия мезонлари асосида комплекс даволаш режаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларида яра таркибини микробиологик текшириш маълумотлари фотодинамик терапиянинг бактерицид таъсирини баҳолаш имконини беради;

илмий иш давомида эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашда фотодинамик терапияни қўллаш

самарадорлиги исботланган, бу эса уни даволаш чоралар мажмуасига киритиш имконини беради;

эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларини даволаш учун ишлаб чиқилган фотодинамик терапия усули даволаш жараёнини оптималлаштиради ва унинг муддатини қисқартиради;

ультратовушли доплерографиядан фойдаланиш эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси яллиғланиш касалликларида жарроҳнинг аниқ кейинги ҳаракат тактикасини ишлаб чиқишга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, клиник-лаборатор, микробиологик, клиник-функционал (доплерографик ультрасонография текшируви) ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ишнинг илмий аҳамияти эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасидаги йирингли-яллиғланиш касалликларини даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу жараёни ўрганишдан иборат, бу ўз навбатида ультратовушли доплерографик текширув ва антибактериал фотодинамик терапия қўллашнинг самарадорлигини илмий жиҳатдан асослаш имконини беради.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, олинган маълумотлар асосида эрта ёшдаги болаларнинг шифохонада бўлиш муддатини қисқартириш бўйича чоратadbирлар мажмуаси ишлаб чиқилди, бу эса анъанавий даволашга нисбатан 2-3 кун олдинроқ даволаниш муддатини қисқартиришга олиб келади ва натижада юз-жағ соҳасидаги йирингли-яллиғланиш касалликларини даволаш самарадорлигини сезиларли даражада оширишга ҳисса қўшади

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 26.08.2024 йилдаги 5-сонли №05/17 йиғилиш баённомасига асосан Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича хулосаси

биринчи илмий янгилик: эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси яллиғланиш инфилтратида консерватив ёки хирургик даволаш тактикасини танлашда ультрасонографик доплерография аҳамияти асослаб берилган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасида яллиғланиш касалликларини ўзига хос ноодатий кечишини инобатга олган ҳолда шифокорни тактикасини аниқлаштириш мақсадида ультрасонографик доплерография текширувини ўтказиш даволаш самарадорлигини оширишда муҳим ҳисобланади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалиёт тизимида, хусусан, Тошкент шаҳар 4-сонли болалар стоматологик поликлиникаси 02.08.2023 йилдаги 64-сон буйруқ билан ва Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар марказида 21.08.2023 йилдаги 131/4-сон буйруқ билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 26.08.2024 йилдаги 5-сонли №05/17 йиғилиш баённомаси). *Ижтимоий самарадорлиги* яллиғланиш инфилтратидида ультрасонграфик доплерни қўллаш шифокор тактикасини аниқла имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: касалликни даволаш тактикасини аниқлаш учун инфилтрат соҳасида микроциркуляция ҳолатини ўрганиш зарур. Таклиф этилган даволаш усули иқтисодий самарадорлиги ҳар бир бемор учун харажатларни 1 800 000 сўмгача камайтиришга имкон берди. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасида яллиғланиш касалликларини ўзига хос кечишини инобатга олган ҳолда ультрасонографик доплер текширувини қўллаш амалиёти самарадорлиги асосида “Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси яллиғланиш касалликларида жаррох тактикасини аниқлаш мақсадида дуплекс ультратовуш текшируви самарадорлигини баҳолаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланди (Тошкент давлат стоматология институти Экспертлар кенгашининг 27/03/2023йилдаги №04-р/20-сон билан тасдиқланган). Ушбу тавсиянома эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасидаги йирингли касалликларда шифокор тактикасини аниқлаштириш ва даволаш даволаш самарадорлигини оширишга имкон берди.

иккинчи илмий янгилик: эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасининг йирингли касалликларида антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш натижасида патоген флоранинг апоптози туфайли йирингли жароҳат микрофлорасининг ўсиш интенсивлигининг пасайиши аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасини йирингли касалликларини даволаш вақтида антибактериал фотодинамик терапияни қўлланилиши антибактериал даводан кейинги бўлиши мумкин бўлган ошқозон ичак тарктидаги бузилишларни олдини олиш имконини беради ва шу йўл билан беморларни стационар шароитда ётиш кунини камайишига ёрдам берди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалиёт тизимига, хусусан, Тошкент шаҳар 4 сонли болалар стоматологик поликлиникаси 02.08.2023 йилдаги 64-сон буйруқ билан ва Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар марказида 21.08.2023 йилдаги 131/4-сон буйруқ билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 26.08.2024 йилдаги 5-сонли №05/17 йиғилиш баённомаси). *Ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: таклиф этилган антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси йирингли касалликларини даволашда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги* антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш орқали эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси йирингли касалликларини даволашда юзага келиши мумкин бўлган асоратлар сабабли беморларни стационар шароитда қолиш кунини ошишини камайтириш орқали даволашда сарфланадиган сарф харажатлар ҳар бир бемор учун 1015000 сўм иқтисод қилиш имконига эришилади. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* эрта ёшдаги болаларда юз жағ соҳаси йирингли яллиғланиш касалликларида антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш самарадорлиги асосида “Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасининг йирингли яллиғланиш

касалликларида антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланди (Тошкент давлат стоматология институти Экспертлар кенгашининг 27/03/2023 йилдаги №04-р/19-сон билан тасдиқланган). Ушбу тавсиянома болаларда йирингли касалликларида антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш даволаш самарадорлигини ошириш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: ўтказилган солиштирма микробиологик таҳлиллар хулосасига кўра, антибактериал фотодинамик терапиядан кейин, патоген флорани ўсиш баландлиги пасайганлиги сабабли фотодинамик терапия самарадорлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* антибактериал фотодинамик терапияни эрта ёшдаги болаларда юз жағ соҳаси йирингли яллиғланиш касалликларидан қўлланилиши, йирингли бўшлиқларни хирургик йўл билан очилган кейинги босқичда қўлланилиши, ярада тез фурсатда йирингли ажралма ажрალიши камайишига олиб келди ва беморларни умумий ва маҳаллий ҳолатини яхшиланишига олиб келади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалиёт тизимига, хусусан, Тошкент шаҳар 4 сонли болалар стоматологик поликлиникаси 02.08.2023 йилдаги 64-сон буйруқ билан ва Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар марказида 21.08.2023 йилдаги 131/4-сон буйруқ билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 26.08.2024 йилдаги 5-сонли №05/17 йиғилиш баённомаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* антибактериал фотодинамик терапияни қўлланилиши эрта ёшдаги болаларда йирингли касалликларда йирингли ярани тезроқ тузалиши, умумий ва маҳаллий ҳолатни яхшилаши билан изоҳланади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Таклиф этилган даволаш усули иқтисодий самарадорлиги ҳар бир бемор учун харажатларни 1 300 000 сўмгача камайтиришга имкон берди. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* эрта ёшдаги болаларда юз жағ соҳаси йирингли яллиғланиш касалликларида антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш самарадорлиги асосида “Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасининг йирингли яллиғланиш касалликларида антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланди (Тошкент давлат стоматология институти Экспертлар кенгашининг 27/03/2023 йилдаги №04-р/19-сон билан тасдиқланган). Ушбу тавсиянома болаларда йирингли касалликларида антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш даволаш самарадорлигини ошириш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: эрта ёшдаги болаларда юз жағ соҳаси ўткир йирингли яллиғланиш жараёнларини фотодинамик терапия мезонлари асосида комплекс даволаш режаси ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* эрта ёшдаги болаларда йирингли яллиғланиш касалликларида ультрасонографик доплер текширувини ва антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш учун даволаш алгоритми кетма кетлиги ишлаб чиқилган ва илмий асосланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши* ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалиёт тизимига, хусусан, Тошкент шаҳар 4 сонли болалар стоматологик поликлиникаси 02.08.2023 йилдаги 64-сон буйруқ билан ва

Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар марказида 21.08.2023 йилдаги 131/4-сон буйруқ билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 26.08.2024 йилдаги 5-сонли №05/17 йиғилиш баённомаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: эрта ёшдаги болаларда йирингли яллиғланиш касалликларида ультрасонографик доплер текширувини ва антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш анъанавий терапияга қараганда самаралироқ бўлиб, тиббий реабилитация муддатлари қисқароқ ва даволаш самарадорлиги юқори бўлган. *Иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: таклиф этилган комплекс даволаш усулидан фойдаланиш эрта ёшдаги болаларда юз жағ соҳаси йирингли яллиғланиш касалликларини даволашда сарфланадиган сарф-ҳаражатларининг 40% га қисқаришига олиб келади ва беморларнинг стационар даволаниш учун сарфланадиган сафж харажатларни йўққа чиқаради. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши*: эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасида яллиғланиш касалликларини ўзига хос кечишини инобатга олган ҳолда, яллиғланиш жараёни эрта ёшдаги болаларда атипик тарзда кечиши каби кўриниш касб этганлигини инобатга олган ҳолда ультрасонографик доплер текширувини қўллаш амалиёти самарадорлиги асосида “Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси яллиғланиш касалликларида жаррох тактикасини аниқлаш мақсадида дуплекс ультратовуш текшируви самарадорлигини баҳолаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланди (Тошкент давлат стоматология институти Экспертлар кенгашининг 27/03/2023 йилдаги №04-р/20-сон билан тасдиқланган). Ушбу тавсиянома эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасидаги йирингли касалликларда шифокор-жаррох тактикасини аниқлаштириш ва даволаш самарадорлигини оширишга, ҳамда яллиғланиш жараёнида жаррохлик амалиётини олдини олишга имкон берди. Бу эса ўз навбатида беморларни стационар шаротида ётоқ кунини камайишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 5 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган. Бу мақолалардан 4 таси маҳаллий ва 1 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг асосий мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Шунингдек, ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти батафсил ёритилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича маълумотлар, чоп этилган ишлар ҳақида маълумотлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида қисқача маълумот келтирилган.

Диссертациянинг **"Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларининг кечиши хусусиятлари"** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий манбалар таҳлилининг батафсил кўриниши берилган. Маҳаллий ва хорижий олимларнинг энг сўнгги илмий ютуқлари таҳлил этилган. Ушбу муаммони ҳал қилишга бўлган ёндашувни акс эттирувчи адабиётлар шарҳи тақдим этилган. Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасининг йирингли-яллиғланиш касалликлари билан ишлаш бўйича эътиборга лойиқ маълумотлар келтирилган, муаммони ечиш масалалари муҳокама қилинган.

Диссертациянинг **"Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасининг йирингли-яллиғланиш касалликларини ўрганиш материаллари ва усуллари"** деб номланган иккинчи бобида 2019-2022 йиллар давомида Тошкент давлат стоматология институти клиникаси негизидаги болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида текширилган беморлар таркиби тавсифи келтирилган. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш учун биз аденофлегмона, неодонтоген абсцесс ва ўткир лимфаденит ташхиси қўйилган 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган 105 нафар беморни текширдик, уларнинг 51 нафари ўғил болалар ва 54 нафари қиз болалар эди.

Даволаш усуллариининг самарадорлигини ўрганиш жараёнида беморлар икки гуруҳга бўлинди:

асосий гуруҳ - юз-жағ соҳасида йирингли жараёни мавжуд бўлган 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган 84 нафар бемор бўлиб, улар ўз навбатида 2 та кичик гуруҳга ажратилди:

асосий А кичик гуруҳи – хирургик даво + анъанавий дори-дармонлар билан даволанган 41 нафар бемор;

асосий Б кичик гуруҳи – хирургик даво+ анъанавий дори-дармон даволаш билан бир қаторда маҳаллий антибактериал фотодинамик терапия олган 43 нафар бемор;

назорат гуруҳи - яллиғланиш инфилтратидида йирингланиш кузатилмаган 21 нафар бемор.

1 ёшдан 3 ёшгача бўлган 105 нафар эрта ёшдаги барча ўрганилган болалар 1-жадвалда келтирилган касалликларни ўз ичига олган.

Тадқиқот доирасида беморларни текширишда клиник, микробиологик, функционал ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилди.

Текширилаётган гуруҳлардаги касалликлар

Ташхис	Асосий А	Асосий Б	Назорат
Аденофлегмона	16	15	-
Ноодонтоген абсцесс	25	28	-
Уткир димфааденит	-	-	21
ЖАМИ	41	43	21


Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасининг анатомик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, жарроҳнинг аниқ консерватив ёки жарроҳлик тактикасини белгилаш учун доплер ултрасонография текшируви қўлланилди.

Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасининг йирингли касалликларини анъанавий даволаш усули умумий оғриқсизлантириш остида йирингли ўчоқни жарроҳлик йўли билан очиш орқали стационар шароитда олиб борилади. Жарроҳлик амалиётидан сўнг беморга антибактериал, заҳарланишга қарши даво ҳамда ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари буюрилади.

Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси йирингли касалликларини анъанавий даволаш усули стационар шароитда умумий оғриқсизлантириш остида йирингли ўчоқни жарроҳлик йўли билан очишдан иборат. Жарроҳлик амалиётидан сўнг беморга антибактериал ва дезинтоксикатсион терапия ҳамда ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари тайинланади.

Асосий Б гуруҳ беморларини такомиллаштирилган даволаш усули операциядан кейинги даврда антибактериал фотодинамик терапияни(ФДТ) қўллашдан иборат эди. Организмга юборилган фотосенсибилизатор (ФС) патоген бактерияларнинг мембраналарида танлаб ўрнашади. Препаратнинг яллиғланган тўқималардаги энг юқори концентрациясига 24 соатдан сўнг эришилади, бунда тўпланиш нисбати соғлом тўқималарга қараганда 5:1 ни ташкил этади. Фотосенсибилизацияда яллиғланган тўқима лазер нури билан нурлантирилганда, заҳарли бўлмаган триплет кислород қисқа муддатли, аммо кучли бактериотоксик таъсирга эга бўлган синглет кислородга айланади. Бу эса бактерия хужайра мембраналарининг парчаланишига ва бактериянинг нобуд бўлишига олиб келади. Бактериотоксик таъсир фотосенсибилизаторнинг концентрациясига, яллиғланган тўқимага ёруғликнинг кириш чуқурлигига ва ёруғлик таъсирининг етарли энергиясига боғлиқ. ФС кўринадиган спектрнинг қизил қисмида яққол ютилиш хусусиятига эга, чунки айнан шундай ёруғлик тўқималарга энг яхши сингийди (1-расм).

Фотодинамик терапия бир қатор афзалликларга эга бўлиб, улардан йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашда энг аҳамиятлилари куйидагилардир: безарарлик, оғриқсизлик, юқори самарадорлик, яхши косметик натижа (тўқималарнинг некрозга учрамаслиги ва чандиқли ўзгаришлар йўқлиги), ҳамда микробларга қарши таъсир.



А)

Б)

1-расм. ФДТ ва нурлатгичларнинг жойлашиши схемаси ва унинг фокус масофаси. А) нурлантирувчилар жойлашуви; Б) ФДТ қурилмасида фокусли масофа схемаси

Олинган маълумотлар халқаро бирликлар тизими (БТ) бирликларида ифодаланган ҳолда, Microsoft Excel жадвал муҳаррири ва статистик маълумотларни қайта ишлаш учун махсус дастурий таъминот пакети ёрдамида статистик таҳлилдан ўтказилди. Статистик кўрсаткичларнинг ишончлилиқ даражаси сифатида $p < 0,05$ қиймати қабул қилинди.

Диссертациянинг **"Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларини ўрганиш натижалари"** деб номланган учинчи бобида олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари баён этилган.


Асосий гуруҳдаги беморларнинг касалхонага ётқизилгандаги аҳволи кучли заҳарланиш ва организмнинг ҳаётий муҳим функциялари бузилганлиги сабабли жуда оғир эди. Уларда ҳаракатсизлик, уйқучанлик ва иштаҳасизлик кузатилди.

Бўлимга қабул қилинганда асосий гуруҳдаги беморларнинг ота-оналари 100% ҳолларда юзнинг шишганлиги, қизарганлиги, тана ҳароратининг кўтарилганлиги ва безовталиқ ҳақида, 72,3% ҳолларда эса ҳолсизлик, бош оғриғи ва иштаҳасизлик ҳақида шикоят қилишган. Назорат гуруҳидаги беморлар эса 100% ҳолларда умумий ҳолсизлик, иштаҳанинг бузилиши ва безовталиқдан шикоят қилишган.

Ташқи кўрикда тери қопламаси оқиш рангда бўлиб, бурун-лаб учбурчагида яққол кўкариш, шиш соҳасида терининг қизариши ҳамда пальпацияда зарарланган жойда инфилтрат ва флюктуатсия аниқланди. Касалхонага ётқизилгунга қадар касалликнинг давомийлиги асосий гуруҳда ўртача 10 кунгача бўлган.

Асосий гуруҳдаги беморларнинг умумий аҳволи 32 нафар коникарли, 42 нафар болада ўртача оғирликда, 7 нафарида оғир ва 3 нафарида жуда оғир эди. Юз ва бўйин соҳасидаги маҳаллий белгилар яллиғланиш жараёнининг хусусияти, жойлашуви, тарқалиши ва касалликнинг давомийлигига боғлиқ эди. Текширилган барча эрта ёшдаги болаларда

беморлар гуруҳига қараб йирингли жараённинг жойлашуви таҳлил қилинди (2-расм).




2-расм. Жараённинг локализацияси бўйича беморларнинг тақсимланиши.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, йирингли жараён энг кўп ҳолларда асосий гуруҳдаги 52 та ва назорат гуруҳидаги 12 та боланинг жағ ости соҳасида, қулоқ олди-чайнов соҳасида асосий гуруҳда 12 та ва назорат гуруҳида 4 та болада, ияк соҳасида асосий гуруҳда 17 та ва назорат гуруҳида 3 та болада, лунж соҳасида эса асосий гуруҳда 5 та ва назорат гуруҳида 1 та болада жойлашган.

Анамнестик маълумотларни таҳлил қилишда 84 та (100%) болада турли фон касалликлари (оғиз кандидози, дисбактериоз, ЎРВИ) мавжудлиги қайд этилди. Шубҳасиз, оғирлашган анамнез эрта ёшдаги болаларда касалликнинг оғир кечишига сабаб бўлган ноқулай омил бўлиб хизмат қилган.


Тадқиқот гуруҳларидаги барча беморларга жарроҳнинг кейинги тактикасини аниқлаштириш мақсадида зарарланган соҳада суюқлик тўпланиши ва қон томирларидаги қон оқими ҳолатини аниқлаш учун доплер ултрасонографияси ўтказилди.



3-расм. А) беморнинг ташқи кўриниши; Б) Пастки жағ-ости соҳанинг яллигланиши инфилтрати ташхиси қўйилган беморнинг пастки жағ-ости соҳанинг ултрасонографик тасвири; В) Яллигланиши инфилтратининг доплерографик кўриниши

3-расмда доплер текшируви маълумотларига кўра, асосий гуруҳдаги беморларда яллиғланиш ўчоғининг қон томир стази аниқланган, назорат гуруҳида эса яллиғланиш инфилтрати ва зарарланган соҳанинг қон томир стази йўқлиги кузатилган.

Микробиологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Staphylococcus aureus-42%, Streptococcus anginosus-22%, Streptococcus constellatus-12%, Streptococcus pyogenes-14% кенг тарқалган кўзгатувчилар бўлиб чиқди. Беморларда микроб пейзажининг ўзига хос хусусияти микроб ассоциациялари улушининг сезиларли даражада ошиши эди ($p < 0,05$).



4-расм. Асосий гуруҳ беморларининг микробиологик манзараси.

Кўйилган вазифалардан бирини ҳал этиш мақсадида биз юз-жаф соҳасидаги йирингли ўчоқлардан ажратиб олинган микроорганизмларнинг ампициллинлар, аминогликозидлар, цефалоспоринлар ва макролидлар гуруҳига мансуб антибактериал препаратларга сезувчанлигини ўргандик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, йирингли-яллиғланиш инфилтратлари бўлган эрта ёшдаги болаларда аниқланган барча турдаги микроорганизмлар 100% сезувчанликка эга. Кўпчилик микроорганизмлар ампициллин ва гентамицинга ўртача сезувчанлик, линкомицин ва цефалоспоринга эса чидамлилик намоён этди (2-жадвал).

2-жадвал.

Асосий кўзгатувчиларнинг антибиотикларга сезирлиги.

Микроорганизмлар	Цефо таксим	Ампи циллин	Гента мицин	Линко мицин	тетра циклин
Staphylococcus aureus	S	S	S	SR	S
Streptococcus anginosus	S	S	SR	SR	R
Streptococcus pyogenes	S	SR	S	SR	R
Streptococcus constellatus	S	SR	S	S	S
Klebsiella pneumoniae	SR	S	S	S	SR

Изоҳ: С - 70-100% штаммлар сезир. СР - 50% дан ортиқ штаммлар ўртача сезир, Р - 80-100% штаммлар чидамли.

Йирингли-яллиғланиш жараёнлари кўзгатувчиларининг энг юқори сезирлиги сефотаксим, ампитсиллин ва гентамитсинга, ўртача сезирлиги линкомитсинга, тетратсиклин эса қаршилиқ кўрсатиши аниқланди. Бундан ташқари, йирингли ажралмалар таркибининг 80 % кокксимон

микроорганизмлардан иборат эканлигини таъкидлаш лозим. Бунда 6 та морфологик турдан яллиғланиш ўчоғидан энг кўп ажратиб олинган икки тури стафилококклар ва стрептококклар ҳисобланади.

Диссертациянинг "Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларини даволаш самарадорлигини баҳолаш" деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот маълумотлари тақдим этилган.

Юз-жағ соҳасининг йирингли касалликлари билан оғриган асосий гуруҳ болаларига касалхонага ётқизилган куни умумий наркоз остида йирингли бўшлиқ очилди, антибактериал ва дезинтоксикатсион даволаш тайинланди, жароҳат антисептик билан ювилди. Асосий А йирингли ўчоқ очилгандан сўнг тана ҳароратининг меъёрлашуви $6,45 \pm 2,25$ суткада, йиринг оқишининг тўхташи $5,25 \pm 0,78$ суткада, операция жароҳати атрофидаги шишнинг камайиши $5,28 \pm 0,85$ суткада кузатилди. Асосий Б гуруҳ беморларида операциядан кейин антибактериал ФДТ бошлангандан сўнг тана ҳароратининг меъёрлашуви $3,25 \pm 1,25$ суткада, йиринг оқишининг тўхташи $2,45 \pm 0,78$ суткада ва операция жароҳат атрофидаги шишнинг камайиши $4,58 \pm 2,12$ суткада рўй берди ($p < 0,01$). Антибактериал ФДТ қўлланилгандан кейинги кунда беморлар фаол овқатлана бошладилар ва яхши ухладилар. Асосий Б гуруҳидаги беморлар 7-8 суткада, асосий А гуруҳда эса 10-11 кунда қониқарли аҳволда шифохонадан чиқарилди. Даволаш усулларига кўра клиник кўрсаткичларни қиёсий баҳолаш антибактериал ФДТнинг сезиларли устунлигини кўрсатди (3-жадвал).

3-жадвал.

Асосий гуруҳ беморларида АФДТни қўллаш самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Кўрсаткич (кун)	Асосий А	Асосий Б
Тана ҳароратининг нормаллашиши	$6,45 \pm 2,25$	$3,25 \pm 1,25$
Жароҳатдан йиринг оқишини тўхтатиш муддатлари	$5,25 \pm 0,78$	$2,45 \pm 0,78$
Инфильтратнинг орқага қайтиш даври	$5,28 \pm 0,78$	$4,58 \pm 2,12$
Стационар даволаниш давомийлиги	$11,7 \pm 0,9$	$7,8 \pm 0,4$

Шундай қилиб, олинган натижалар антибактериал ФДТнинг афзалликларини кўрсатди, бунда асосий Б гуруҳидаги беморларда даволаш самарадорлигининг ошиши қайд этилди.

Антибактериал ФДТ ўтказиш учун 10-15 дақиқа давомида жароҳатда бўёқ шимдирилган тампон қолдирилди (ушбу ҳолатда метилен кўки 0,01% ишлатилган). Шундан сўнг операция жароҳати 5 дақиқа давомида нурлантирилди ва яра асептик боғлам билан ёпилди. Ушбу муолажа 1,3 ва 5-кунларда ўтказилди.

Микробларнинг антисептик препаратларга сезгирлигини аниқлаш учун диско-диффузия усулидан фойдаланилди, оғиз бўшлиғида энг кўп учрайдиган микробларни ҳисобга олган ҳолда биз тайёрлаган 18 соатлик микроб културалари ўрганилди (3-жадвал).

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хлорофиллипт антисептиги барча 12 турдаги микробларга антибактериал таъсир кўрсатди, бунда энг сезгир микроблар ҳам граммусбат, ҳам грамманфий микроблар

уларнинг таъсир диапазони $12,0 \pm 0,3$ мм дан юқори ва $17,0 \pm 0,5$ мм гача, декасан эса кўпчилик текширилувчи микробларга кучсиз антибактериал таъсир кўрсатди, бунда таъсир диапазони $10,0 \pm 0,1$ дан $15,0 \pm 0,2$ мм гача бўлди, метилен кўки (яшил) 1% концентрацияда ҳам кўпчилик текширилувчи микробларга кучсиз антибактериал таъсир кўрсатди, таъсир диапазони $7,0 \pm 0,1$ дан $14,0 \pm 0,2$ мм гача бўлди. Бунда капсулали микроблар - Клебсиеллага мансуб микроблар чидамли бўлиб чиқди.

4-жадвал.


Оғиз бўшлиғи микробларининг in vitro шароитида дори воситаларига сезгирлиги. (М+м) мм

№	Группа микробов	Хлоро-филипт	Декасан	Метилен синий 2%	Фурациллин
1	Staphylococcus aureus	$11,0 \pm 0,3$	$10,0 \pm 0,2$	$12,0 \pm 0,1$	$5,0 \pm 0,1$
2	Streptococcus anginosus	$13,0 \pm 0,5$	$10,0 \pm 0,1$	$8,0 \pm 0,1$	$3,0 \pm 0,2$
3	Streptococcus pyogenes	$12,0 \pm 0,5$	$12,0 \pm 0,1$	$7,0 \pm 0,1$	$5,0 \pm 0,2$
4	Streptococcus constellatus	$17,0 \pm 0,5$	$10,0 \pm 0,1$	$11,0 \pm 0,1$	$3,0 \pm 0,2$
5	Klebsiella	$12,0 \pm 0,4$	$12,0 \pm 0,1$	0	$1,0 \pm 0,2$

Эслатма: бирликлар микроблар ўсишининг кечикиш зонасининг мм да келтирилган (мм)

Худди шундай тадқиқотлар ўтказилганда Streptococcus aureus култураси метилен кўки 0,01 ва 0,05% суюлтирилганда ва қизил нур билан ишлов берилганда 1-3 дақиқалик экспозицияда ўзининг антибактериал таъсирини намоён қилмайди, намоён бўлган излар эса ишончли эмас.

Асосий гуруҳ беморларида ўтказилган даво муолажаларидан сўнг касалликнинг 6-кунида такрорий доплерографик ультратовуш текшируви ўтказилди.



А



Б

5-расм. Асосий Б гуруҳ беморларида 6-куни ултрасонографик доплерография. А) Жағ ости инфилтратини даволанишдан кейинги УТТда кўриниши, Б) яллиғланиш инфилтратини ҳажми (даволанишдан кейин).

Ультрасонографик доплерография усулдан сўнг ўтказилган тасвири инфилтрат ўлчамларининг кичрайганини, эхогенликнинг аралаш тусга кирганини кўрсатмоқда (чунки инфилтратнинг сўрилиши бошланган), қон томир тасвирининг камайиши аниқланмоқда (периферик турдаги тасвир), фаол яллиғланиш жараёнининг белгилари эса кузатилмаяпти.

Асосий гуруҳдаги беморларда даволашдан олдин ва кейин, кузатувнинг 6-кунларида қиёсий микробиологик текширув ўтказилди (5-жадвал).

5-жадвал.

Асосий гуруҳдаги болаларда даволашдан олдин ва кейин йирингли яранинг қиёсий микробиологик тавсифи

№	Микроблар ассоциацияси	Динамикада йирингли яранинг микробиологик кўриниши					
		Давогача		3 кун		6 кун	
		Асосий А	Асосий В	Асосий А	Асосий В	Асосий А	Асосий В
1	Staphylococcus aureus	10 ⁷ -10 ⁸ КОЕ/мл	10 ⁷ -10 ⁸ КОЕ/мл	10 ⁶ -10 ⁷ КОЕ/мл	10 ³ -10 ⁴ КОЕ/мл	10 ⁴ -10 ⁵ КОЕ/мл	≤10 ³ КОЕ/мл
2	Streptococcus anginosus	10 ⁶ -10 ⁸ КОЕ/мл	10 ⁶ -10 ⁸ КОЕ/мл	10 ⁵ -10 ⁶ КОЕ/мл	10 ⁵ -10 ⁶ КОЕ/мл	10 ⁴ -10 ³ КОЕ/мл	≤10 ² КОЕ/мл
3	Streptococcus pyogenes	10 ⁴ -10 ⁶ КОЕ/мл	10 ⁴ -10 ⁶ КОЕ/мл	10 ⁴ -10 ⁵ КОЕ/мл	10 ⁴ -10 ⁵ КОЕ/мл	10 ³ -10 ⁴ КОЕ/мл	≤10 ² КОЕ/мл
4	Streptococcus constellatus	10 ⁵ -10 ⁶ КОЕ/мл	10 ⁵ -10 ⁶ КОЕ/мл	10 ⁴ -10 ⁵ КОЕ/мл	10 ⁴ -10 ⁵ КОЕ/мл	10 ³ -10 ⁴ КОЕ/мл	≤10 ² КОЕ/мл ёки abs
5	Klebsiella	10 ⁴ -10 ⁷ КОЕ/мл	10 ⁴ -10 ⁷ КОЕ/мл	10 ³ -10 ⁶ КОЕ/мл	10 ³ -10 ⁶ КОЕ/мл	10 ³ -10 ⁴ КОЕ/мл	≤10 ² КОЕ/мл ёки abs

Антибактериал фотодинамик терапия қўлланилгандан сўнг асосий В гуруҳдаги беморларда микробиологик манзара антибактериал фотодинамик терапия утказилгандан сунг йирингли жароҳат микрофлораси билан ифлосланиш даражасининг пасайганини кўрсатди. Бу ҳолат ўчоқнинг бактериал ифлосланишининг ≤10² КХБ/мл гача кескин камайиши билан намоён бўлади. Асосий А гуруҳида эса микдорий таркиб 10⁴ дан 10⁷ КХБ/мл оралиғида бўлиб, бу юқори даражадаги микробли ифлосланишни англатади.

6-жадвал.


Асосий гуруҳ болаларида клиник белгиларнинг ўзгариш динамикасини балли баҳолаш

Белгилар	Асосий А			Асосий Б		
	Қабул қилинганда	3 кун	6 кун	Қабул қилинганда	3 кун	6 кун
Тана ҳароратининг кўтарилиши	42	23	5	47	25	0
Уйқунинг бузилиши	27	18	3	28	7	0
ҳаяжонланиш	27	17	6	29	7	1
ҳолсизлик	40	32	5	41	7	1
иштаҳанинг бузилиши	38	16	9	39	6	0
жами	174	106	28	184	52	2
Коллатерал шиш	42	25	12	47	12	1
Тери гиперемияси	42	29	9	47	14	1
Йиринг ажралиши	42	28	7	47	16	2
яллиғланиш инфилтрати	42	26	5	44	10	0
жами	168	108	33	185	52	4

Самарадорликни исботлаш учун биз антибактериал фотодинамик терапияни қўллашдан олдин ва кейин яллиғланиш жараёнининг клиник белгиларини балли баҳолаш харитасидан фойдаландик (Азимов М.И., Камалова Ф.Р. 2010).

Умумий белгиларнинг йиғинди баҳоси юқори кўрсаткичларни намоён этсада, 3-куни асосий А кичик гуруҳида ўзгариш суст динамикани кўрсатди (106 балл), 6-куни эса 28 баллга тушди. Асосий Б кичик гуруҳида эса умумий белгилар 3-кунида сезиларли даражада яхшиланди (52 балл), 6-кунга 12 баллга тенг бўлди. Маҳаллий белгилар ҳам асосий А кичик гуруҳида даволаниш бошида 168 ни, 3-куни 108 балл ва 6-куни 33 балл ташкил этди. Б кичик гуруҳида эса даволаш бошида умумий баҳо 184 баллни, 3-куни 52 балл ва 6-кунга 4 баллни кўрсатди. Бу натижалар антибактериал фотодинамик терапиянинг самарадорлигини исботлайди.

Шундай қилиб, эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳасининг йирингли-яллиғланиш касалликларида ультратовушли доплерография ва антибактериал фотодинамик терапияни қўллаш жарроҳнинг кейинги тактикасини белгилайди ва ушбу касалликни даволашда юқори самарадорликни беради.



6-расм. Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси яллиғланиш касалликларини даволашнинг ишлаб чиқилган кетма-кет схемаси.

ХУЛОСА

«Эрта ёшдаги болаларда юз жағ соҳаси йирингли яллиғланиш касалликларини даволаш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Эрта ёшдаги болаларда юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларининг клиник кўринишлари асосан аденофлегмона, нодонтал абсцесс ва ўткир лимфаденит шаклида намоён бўлади. Касалликнинг 65,2% ҳолатида ғайритипик, секин кечиши кузатилади. 7,7% ҳолатларда эса оғир, тез ривожланувчи, кучли захарланиш ва турли-туман умумий ҳамда маҳаллий белгилари билан кечадиган ҳолатлар учрайди. Ултрасонографик доплерографияни қўллаш жарроҳнинг кейинги аниқ ҳаракатлар режасини белгилашга имкон яратади.

2. Эрта ёшдаги болаларда йирингли яра ва патоген микрофлорага нисбатан қўлланиладиган антибактериал фотодинамик терапия яранинг тезроқ ва самаралироқ тозаланишига эришиш имконини беради, шунингдек, яранинг тикланиши ва битишини рағбатлантиради. Бу ҳолат йирингли ажралмаларнинг 2-кундан бошлаб камайиши, маҳаллий шишнинг 3-кундан бошлаб пасайиши билан намоён бўлади. Назорат гуруҳида эса йирингли ажралмалар 6-7 кундан кейин камайган, маҳаллий шиш эса 5-кундан кейин пасайган.

3. Юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликлари бўлган эрта ёшдаги болаларда жароҳатнинг микробиологик текшируви нурлантиришсиз метилен кўки қўлланилганда якқол бактериостатик таъсир кўрсатди ва *Staphylococcus aureus* ўсишининг $12,0 \pm 0,2$ мм га кечикиши билан тасдиқланди, кизил рангда нурлантириш эса $18,0 \pm 0,3$ мм ни ташкил этди.

4. Антибактериал фотодинамик терапияни комплекс даволашга киритиш орқали ишлаб чиқилган даволаш усули дори воситаларининг сезиларли даражада узоқ муддатли таъсирини таъминлади ва 78,2% ҳолларда операциядан кейинги асоратлар сонини камайтиришга, шунингдек беморларнинг шифохонада даволаниш муддатини 2-3 кунга қисқартиришга имкон берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02. ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЭШОНКУЛОВ ШУХРАТ БУНЁДОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЛЕЧЕНИЯ ГНОЙНО-
ВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ
ОБЛАСТИ У ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Самарканд– 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под № B2022.4.PhD/Tib3205

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научные руководители: Азимов Азиз Мухаммаджонович
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич
Доктор медицинских наук, профессор
Шалабаева Клара Зулхарнаевна
Доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Государственный университет Наварры (Испания)

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2025 года в ____ часов. на заседании Научного совета DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 при Самаркандском государственном медицинском университете. (Адрес: 140100, город Самарканд, ул. Амира Темура дом -18. (Телефон/факс: (99866)-233-07-66). факс 6623775(366); e-mail: sammu@sammu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского университета (регистрационный номер № ____). (Адрес: 140100, город Самарканд, ул. Амира Темура дом -18. (Телефон/факс: (99866)-233-07-66. факс 6623775(366)).

Автореферат диссертации разослан: « ____ » _____ 2025 года.
(№ ____ реестра протокола рассылки от « ____ » _____ 2025года.)



Ж.А. Ризаев

председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Г.У. Самиева

учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

М.Т. Насретдинова

председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время проблема диагностики и лечения гнойно-воспалительных заболеваний челюстно-лицевой области у детей раннего возраста остается наиболее актуальной как для стоматологии, так и для челюстно-лицевой хирургии. По данным ВОЗ «...дети раннего возраста с гнойно-воспалительными заболеваниями челюстно-лицевой области составляют 40-50% от общего числа пациентов специализированных стационарах по профилю челюстно-лицевой хирургии...»¹. Анатомо-физиологические особенности детского организма, незрелость систем жизнеобеспечения, определяют ограниченные возможности защитно-приспособительных реакции в условиях бактериальной агрессии.

В мировой практике в настоящее время стоматологами разработаны четкие рекомендации по лечению и профилактике стоматологических заболеваний, предложена система диспансеризации детей от рождения до совершеннолетия с учетом возраста, однако высокая распространенность и интенсивность кариозного поражения зубов приводит к возникновению очагов одонтогенной инфекции в организме ребенка. Следовательно, уровень оказания стоматологической помощи детскому населению представляют интерес для врачей клинического профиля.

В Республике осуществляются целевые и практические мероприятия по реформированию системы здравоохранения и приравниванию ее к мировым требованиям, проводятся мероприятия по совершенствованию методов диагностики и восстановления дефектов верхней челюсти. В связи с этим, поставлены задачи по «...повышению эффективности, качества и доступности медицинской помощи, поддержке здорового образа жизни и профилактике заболеваний, в том числе путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения...»².

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-№ 60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», УП №-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», ПП №3440 от 29 декабря 2017 года «Раннее выявление врожденных и наследственных заболеваний у детей в 2018-2022гг.», Закона Республики Узбекистан «Об инновационной деятельности», принятого Законодательной палатой 7 апреля 2020 года и одобренного Сенатом 19 июня 2020 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹ WHO. World health statistics, 2020

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года»

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Исследование выполнено в соответствии с одним из приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

